

**Н.Қ.РАЖАБОВ**

**ЎЎЗАДАН ЮҚОРИ ҲОСИЛ ОЛИШ АГРОТЕХНОЛОГИЯСИ**



ТОШКЕНТ–2019

## УЎТ: 633.51:631/52

Ражабов Нурмамат Қудратович. “Ѓўзадан юқори ҳосил олиш агротехнологияси”. Монаграфия-Тошкент.:ТИҚХММИ, 2019-йил.144-бет.

Ушбу монографияда Республикамизда охириги йилларда бир қатор тезпишар, ҳосилдор, тола сифати юқори, касаллик ва зараркунандаларга бардошли янги ғўза навлари яратилмоқда. Мазкур ғўза навларидан юқори ва сифатли пахта ҳосили олишда ҳар бир ҳудуднинг тупроқ-иқлим ва гидрогеологик-мелиоратив ҳолатидан келиб чиқиб етиштиришнинг самарали агротехник тадбирларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилмоқда. Янгидан яратилган ғўзанинг ўрта толали «Андижон-36» ва «С-6541» навларини суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида парваришлашда мақбул суғориш тартиблари ҳамда минерал ўғитлар билан озиклантириш мақбул меъёр ва муддатлари ишлаб чиқилган ва маълумотлари келтирилган.

Монографияда Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режаси асосида ҚХА-7-093 «Мамлакатнинг турли тупроқ-иқлим, мелиоратив, гидрогеологик шароитларида янги истиқболли ва районлаштирилган ўрта, ингичка толали ғўза навларини парваришлаш агротадбирлари тизимини илмий асослаш ва амалиётга жорий этиш» (2009-2011 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Илк бор типик бўз тупроқлар шароитида ғўзанинг янги яратилган ўрта толали «Андижон-36», «С-6541» навларини суғориш муддатлари тупроқ намлиги ва хужайра шираси концентрациясига ўзаро қиёсий таққосланган ҳолда аниқланиб, ғўзани мақбул суғориш меъёрлари ва сув истеъмоли кўрсаткичлари ишлаб чиқилган;

Ўрганилган ғўза навлари илдиз тизими тарқалган тупроқ қатламида сув-озик тартибини мақбуллаштириш, суғориш сувини тежаш, суғориш тартибларини ишлаб чиқиш бўйича 2009-2011 йиллар давомида бажарилган тадқиқотларимизасосида уч йиллик маълумотларимиз баён этилган.

Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқларида ўрта толали «Андижон-36», «С-6541» ғўза навларини суғориш тартиблари ва минерал ўғитлар билан мақбул муддат ва меъёрларда озиклантириш орқали юқори ва сифатли пахта ҳосил олишни илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

ғўзанинг «Андижон-36» навини ўсув даври давомида 1-2-1 тизимда 4 марта суғориш ва минерал ўғитлар билан гектарига  $N_{190}$ ,  $P_{133}$ ,  $K_{95}$ , кг меъёрларда озиклантириш технологияси Тошкент вилоятининг Бўка ва

Пскент туманлари пахтачилик фермер хўжаликларида жами 850 гектар майдонга жорий этилган. Бунинг натижасида ғўзанинг «Андижон-36» навини мавсумий сув сарфи гектарига 4320 м<sup>3</sup> ни ташкил этган ва андоза навга нисбатан 3,0-4,1 центнер қўшимча пахта ҳосили олишга эришилган.

ўрта толали ғўзанинг «С-6541» навини ўсув даврида суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-70-60% тартибда, 1-3-1 тизимда суғориш ва маъдан ўғитлар билан гектарига N<sub>190</sub>; P<sub>133</sub>; K<sub>95</sub> кг меъёрда озиклантириш технологияси Тошкент вилоятининг Бекобод тумани пахтачилик фермер хўжаликларида жами 250 гектар майдонга жорий этилган. Натижада мавсумий сув меъёри гектарига 4670 м<sup>3</sup> ташкил этган, андоза навларга нисбатан гектаридан 3,0-3,9 центнергача қўшимча пахта ҳосили олинган. Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқларида ўрта толали «Андижон-36», «С-6541» ғўза навларини суғориш тартиблари ва минерал ўғитлар билан мақбул муддат ва меъёрларда озиклантириш орқали юқори ва сифатли пахта ҳосил етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги ўта юқори бўлиши илмий асосланган.

Монография соҳа раҳбарлар, мутахассислари, фермерлар, соҳага ихтисослаштирилган олий ўқув юртлари бакалавр, магистр ҳамда профессор ўқитувчилари, илмий-тадқиқот институтлари тадқиқотчи олимлари ва соҳага қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Монография Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Илмий кенгашининг 2019 йил 28 сентябр 1-сон қарорига асосан чоп этишга тавсия этилган.

<b><i>Масъул муҳаррир:</i></b>	<b>Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор А.С.Шамсиев</b>
<b><i>Тақризчилар:</i></b>	<b>Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор Б.Ш.Матякубов Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор У.Норкулов</b>

Ражабов Нурмамат Кудратович. “Агротехнология для получения высокого урожая хлопчатника”. Монография-Ташкент.:ТИИИМСХ, 2019-год.144-стр.

В последние годы в Республике создаются ряд скороспелый, урожайный, с высококачественным волокном, устойчивый к болезням и вредителестойкие новые сорта хлопчатника. Для получения высокого и качественного урожая хлопка данного сорта хлопчатника исходя из почвенно-климатических и гидрогеологически-мелиоративного состояние территории требуется обратить особое внимание на разработку агротехнического требования на эффективного выращивания хлопчатника. В данной монографии приведены рациональные режимы орошения и разработана оптимальная норма, сроки питания минеральными удобрениями и данные при выращивании в условиях типичных целинных почвах орошаемых вновь созданных средневолокнистых сорта хлопчатника «Андижон-36» ва «С-6541».

В монографии приведена работа, выполненной по прикладного проекта на тему КХА-7-093 “Научное обоснование и внедрение в практику систему агротехнических мероприятий выращивания средне и тонковолокнистых новых перспективных и районированных сортов хлопчатника в разных почвенно-климатических, мелиоративных, гидрогеологических условиях страны” (2009-2011 гг.) на основе плана научно-исследовательской работы научно-исследовательского института селекция хлопка, семеноводства и агротехнология выращивания.

В первые определены взаимное сравнение сроки полива, увлажнение почвы и концентрация сока клетки вновь созданных средневолокнистых сортов «Андижон-36», «С-6541» в типичных условиях целинных почвах и разработана оптимальная норма орошения хлопчатника и показатели водопотребления.

Изложена трехгодичные данные на основе исследований выполненной в 2009-2011 годах по разработке режимов орошения, экономии оросительной воды, оптимизации водно-питательного режима в корнеобитаемом слое изучаемого сорта хлопчатника.

Это разъясняется научно обоснованностью достижение высокого и качественного урожая хлопка благодаря питанием минеральными удобрениями в оптимальных сроках, нормах и режимов орошении средневолокнистых сортов «Андижон-36», «С-6541» в типичных условиях целинных почвах Ташкентской области.

В период развитие хлопчатника сорта «Андижон-36» по системе 1 - 2 – 1 произвелась 4-х разовое орошение и внедрилась на площади 850 га хлопководских фермерских хозяйствах Букинских и Пскентских районах Ташкентской области технология питание минеральными удобрениями по норме N<sub>190</sub>, P<sub>133</sub>, K<sub>95</sub>, кг на каждый гектар. В результате этого сезонный расход воды хлопчатника сорта «Андижон-36» на гектар составил 4320 м<sup>3</sup> и по отношению к стандартным сортам достигли получению дополнительного урожая 3,0-4,1 центнер.

В период развитие хлопчатника сорта «С-6541» влажность почвы перед поливом по отношению к ППВ в порядке 70-70-60%, произвелась орошение по системе 1 - 3 – 1 и внедрилась на площади 250 га хлопководских фермерских хозяйствах Бекабадского района Ташкентской области технология питание минеральными удобрениями по норме N<sub>190</sub>, P<sub>133</sub>, K<sub>95</sub>, кг на каждый гектар. В результате этого сезонный расход воды хлопчатника сорта «С-6541» на гектар составил 4670 м<sup>3</sup> и по отношению к стандартным сортам достигли получению дополнительного урожая 3,0-3,9 центнер. Также научно обоснована весьма высокий экономический эффективность выращивания высокого и качественного урожая хлопка благодаря питанием минеральным удобрением в оптимальных сроках и нормах, а также режимов орошение средневолокнистых сортов «Андижон-36», «С-6541» в типичных условиях целинных почвах Ташкентской области.

Данные материалы, изложенные в монографии служит в качестве рекомендации руководителям отрасли, специалистам, фермерам, бакалаврам и магистрантам высших учебных заведений, специализированным к отрасли, профессорам и преподавателям, работникам и ученым-изыскателям научно-исследовательских институтов и массовым читателям, интересующихся отрасли. Настоящая монография рекомендован к опубликованию по решению Научного совета Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства (ТИИИМСХ) от 28 сентября 2019 года № 1

<b>Ответственный редактор:</b>	<b>Доктор сельскохозяйственных наук, профессор А.С.Шамсиев</b>
<b>Рецензенты:</b>	<b>Доктор сельскохозяйственных наук, профессор Б.Ш.Матякубов Доктор сельскохозяйственных наук, профессор У.Норкулов</b>

Rajabov Nurmatamat Qudratovich. "Agrotechnology for obtaining a high cotton crop." Monograph-Tashkent.: TIAME, 2019 year.144-page.

In this monograph, a number of ripening, high-yielding, high-quality, high-fiber, cotton and pest-resistant varieties of cotton are being created. When producing high quality cotton from these cotton varieties, special attention should be paid to the development of effective agro-technical measures for cultivation of soil and climatic and hydrogeological and land-reclamation conditions of each region. The optimal irrigation procedures and optimal norms and timing of feeding with fertilizer in the conditions of typical typical soils for cultivation of newly developed cotton-fiber "Andijan-36" and "C-6541" are presented.

Based on our research conducted in 2009-2011 on optimization of water and nutritional regime in the soil stratified soil of the studied cotton varieties, water saving, development of irrigation procedures are described. This is due to the scientific validity of high-quality cotton production through typical irrigation of irrigated cotton varieties "Andijan-36" and "C-6541" on typical sandy soils of Tashkent region.

The technology of feeding cotton "Andijan-36" during the growing season with 1-2 irrigation systems 4-1 times per hectare and fertilizers at the rate of  $N_{190}$ ,  $P_{133}$ ,  $K_{95}$ , kg per hectare is implemented in cotton farms of Buka and Piskent districts of Tashkent region for a total of 850 hectares. As a result, Andijan-36 cotton was 4320  $m^3$  per hectare of seasonal water consumption and yielded 3.0-4.1 centners of extra cotton.

Pre-irrigated soil moisture during the growing period of C-6541 varieties of medium-fiber cotton, in the order of 70-70-60% against LFMS;  $N_{190}$ ;  $P_{133}$ ;  $K_{95}$  kg standard feeding technology is implemented in cotton farms of Bekabad district of Tashkent region for a total of 250 hectares. As a result, the seasonal water rate was 4670  $m^3$  / ha, with the additional cotton yield of 3.0-3.9 centners per hectare. It is scientifically justified that the high efficiency of high and high quality cotton production through the irrigation and fertilizing of moderate-fiber cotton varieties "Andijan-36" and "C-6541" in typical desert soils of Tashkent region with optimal timing and norms.

The monograph is intended for industry leaders, specialists, farmers, bachelors, masters and professors of specialized higher educational institutions, research scholars from research institutes and a wide range of readers interested in the field.

The monograph is recommended for publication according to the decision of the Academic Council of the Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers of dated September 28, 2019.

<b><i>Responsible Editor:</i></b>	<b>Doctor of Agricultural Science, professor A.S.Shamsiev</b>
<b><i>Reviewers:</i></b>	<b>Doctor of Agricultural Science, professor B.ShMatyakubov Doctor of Agricultural Science, professor U.Norkulov</b>

## М У Н Д А Р И Ж А

<b>КИРИШ</b> .....		9-10
<b>I-БОБ.</b>	<b>ҒЎЗА НАВЛАРИ АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛГАН ТАДҚИҚОТЛАР ШАРҲИ</b> .....	11-25
<b>II-БОБ.</b>	<b>ТАДҚИҚОТ ЎТКАЗИШ ШАРОИТИ ВА УСЛУБЛАРИ</b> .....	26-42
§. 2.1.	Тажриба ўтказилган жойнинг табиий шароити ва иқлими.....	26-30
§. 2.2.	Тадқиқотнинг услуби ва тажриба тизими.....	31-36
§. 2.3.	Ўрганилган ғўза навлари тавсифи.....	37-38
§. 2.4.	Ўтказилган агротадбирлар тизими.....	38-42
<b>III-БОБ.</b>	<b>ҒЎЗА НАВЛАРИ АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ТУПРОҚНИНГ АГРОКИМЁВИЙ ХОССАЛАРИ ВА АГРОФИЗИК ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ ЎЗГАРИШИ</b> .....	43-53
§. 3.1.	Ғўза навлари парваришланган дала тупроғининг агрокимёвий хусусиятлари.....	43-45
§. 3.2.	Тадқиқот ўтказилган тупроқларнинг агрофизик хоссаларининг ўзгариши.....	45
3.2.1.	Тадқиқот ўтказилган тупроқларнинг ҳажм массаси ва ғоваклигининг ўзгариши.....	45-49
3.2.2.	Тадқиқот ўтказилган тупроқларнинг сув ўтказувчанлиги ўзгариши.....	50-51
3.2.3.	Тадқиқот ўтказилган тупроқларнинг чекланган дала нам сифими.....	52-53
<b>IV-БОБ.</b>	<b>ҒЎЗА НАВЛАРИНИНГ МАҚБУЛ СУҒОРИШ ОЛДИ ТУПРОҚ НАМЛИГИ, СУҒОРИШ ТАРТИБИ, МИНЕРАЛ ЎҒИТ МЕЪЁРЛАРИ ВА 1 Ц ПАХТА ҲОСИЛИ УЧУН КЕТГАН СУВ САРФИ</b> .....	54-74
§. 4.1.	Ғўза навларининг мақбул суғориш олди тупроқ намлиги.....	54-60
§. 4.2.	Ғўза навларини мақбул суғориш тартиблари.....	60-66
§. 4.3.	Тажриба даласининг сув мувозанати.....	66-74
<b>V-БОБ.</b>	<b>СУҒОРИШ ВА ОЗИҚЛАНТИРИШ ТАРТИБЛАРИНИНГ ҒЎЗА НАВЛАРИ ФАЗАЛАРИНИНГ ЎТИШ ЖАДАЛЛИГИ, ЎСИШИ-РИВОЖЛАНИШИ, БИР ДОНА КЎСАҚДАГИ ПАХТА ВАЗНИ, ҚУРУҚ МОДДА ТЎПЛАШИ, ИЛДИЗ ТИЗИМИ РИВОЖЛАНИШИГА</b>	

	<b>ТАЪСИРИ.....</b>	75-102
§. 5.1.	Суғориш ва озиклантириш тартибларининг ғўза навлари ривожланиш даврларининг ўтиш жадаллигига таъсири.....	75-79
§. 5.2.	Суғориш ва озиклантириш тартибларининг ғўзанинг ўсиши-ривожланишига таъсири ва кўчат қалинлиги.....	80-89
§. 5.3.	Суғориш ва озиклантириш тартибларининг ғўза навларининг бир дона кўсакдаги пахта вазни ўзгаришига таъсири.....	89-91
§. 5.4.	Суғориш ва озиклантириш тартибларининг ғўза навлари куруқ модда тўплашига таъсири.....	92-96
§. 5.5.	Суғориш ва озиклантириш тартибларининг ғўза навлари илдиз тизими ривожланишига таъсири.....	97-102
<b>VI-БОБ.</b>	<b>ҒЎЗА НАВЛАРИ ҲОСИЛДОРЛИГИ, ПАХТА ТОЛАСИ ТЕХНОЛОГИК КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА ЕТИШТИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ШАРОИТИДАГИ СИНОВИ.....</b>	103-116
§. 6.1.	Ғўза навлари ҳосилдорлиги.....	103-107
§. 6.2.	Ғўза навлари пахта толаси технологик кўрсаткичларининг ўзгариши.....	107-111
§. 6.3.	Ғўза навларини етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги.....	111-114
§. 6.4.	Ғўза навларининг ишлаб чиқариш шароитидаги синови.....	114-116
	<b>ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ АСОСИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ТАВСИЯЛАР.....</b>	117
	<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....</b>	118-138
	<b>ИЛОВАЛАР.....</b>	133-144



## КИРИШ

Бугунги кунда дунё миқёсида пахта хомашёсини етиштириш ҳажмининг асосий қисми 5 та давлат, яъни Хитой, АҚШ, Ҳиндистон, Покистон ва Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келмоқда. International Cotton Advisory Committee (ICAC) маълумотларига кўра, 2017 йилда дунёда пахта хомашёси етиштириш ҳажми 23 млн. тоннани ташкил этган ва йиллик меъёрга нисбатан 4 фоизга ошганлиги кузатилган<sup>1</sup>. Хорижда пахтачилик минтақаларида ғўзанинг тезпишар, серҳосил, тола чиқими ва сифати юқори ҳамда касаллик ва зараркунандаларга бардошли ғўза навларини яратиш ва етиштириш агротехнологиялари тизимида суғориш сувлари ва минерал ўғитлардан самарали фойдаланиш долзарб бўлиб ҳисобланади.

Пахтачилик-кўпгина мамлакатлар қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи ҳисобланади. Дунёнинг 84 мамлақатида ғўза ўстирилади, жумладан, Шимолий ва Жанубий Америкада 20, Осиё ва Океанияда 28, Африкада 31, Европада 3 мамлакатда ҳамда Австралия пахта етиштириш билан шуғулланади.

Агар жаҳон бўйича бундан 20 йил олдин 17 миллион тонна пахта толаси етиштирилган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич қарийб 25 миллион тоннани ташкил этмоқда. Ўтган давр мобайнида АҚШда пахта толасини етиштириш 35 фоизга ошган. Хитой, Покистон, Бразилия ва Ҳиндистонда бу кўрсаткич 1,5–3 маротаба кўпайди. Кўпгина мамлакатларда, чунончи АҚШ, Покистон, Бразилия ва Австралияда пахта толаси ишлаб чиқариш ҳажми ички ҳамда ташқи шароитларга, кўпинча эса жаҳон бозоридаги эҳтиёжга қараб ўзгариб туради. Бунга аҳён-аҳёнда об-ҳаво шароити, ўсимликларнинг ёшасига касалликка чалиниши ва бошқа сабаблар таъсир этади.

Бугун пахта толасини сотиш бўйича АҚШ пешқадамлик қилмоқда. Америка Қўшма Штатлари мамлакатда ишлаб чиқилган пахта толасининг 80 фоизини сотувга қўймоқда. Бу жаҳон бозорида сотиладиган толанинг 41,3

---

<sup>1</sup> <http://www.hlopok.info/>, <https://rns.online/economy/>

фоизи демакдир. Ҳиндистон ишлаб чиқилган пахта толасининг 12,6 фоизини сотувга қўйиб, жаҳон бозорида тола сотиш бўйича иккинчи ўринни эгаллаб турибди.

Дунё пахтачилигида ғўзани етиштириш агротехника тадбирларида суғориш ва минерал ўғитларни мақбул меъёрларини ишлаб чиқиш орқали тупроқ намлигини мақбуллаштириш ҳамда ўсимлик томонидан ўғитлардан фойдаланиш коэффициентини ошириш имконияти яратилади. Пахтачиликда ғўза навларини узоқ муддатларда турғун экилиши қўлланилаётган агротехнологик жараёнларга бевосита боғлиқ бўлиб ҳисобланади. Ўсимликни ўсув даврида суғориш сувлари ва озиқа моддаларга бўлган физиологик талабини тўлиқ қондирилиши натижасида қўсақларни йирик ва толанинг технологик сифат кўрсаткичлари юқори бўлишига эришилади.

Республикамизда охириги йилларда бир қатор тезпишар, ҳосилдор, тола сифати юқори, касаллик ва зараркунандаларга бардошли янги ғўза навлари яратилмоқда. Мазкур ғўза навларидан юқори ва сифатли пахта ҳосили олишда ҳар бир ҳудуднинг тупроқ-иқлим ва гидрогеологик-мелиоратив ҳолатидан келиб чиқиб етиштиришнинг самарали агротехник тадбирларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилмоқда. Янгидан яратилган ғўза навларини суғориш ва минерал ўғитлар билан озиқлантиришнинг мақбул меъёр ва муддатлари ишлаб чиқилиб, кенг майдонларда қўлланилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни қўллаш» муҳим вазифалардан бири қилиб белгилаб берилган. Шундан келиб чиқиб, ҳар бир минтақа тупроқ-иқлим шароити учун яратилган янги ғўза навларини етиштиришнинг самарали агротехнологияларини ишлаб чиқиш бўйича изланишлар муҳим бўлиб ҳисобланади.

## **IV-БОБ. ҒЎЗА НАВЛАРИНИНГ МАҚБУЛ СУҒОРИШ ОЛДИ ТУПРОҚ НАМЛИГИ, ҚЎЛ РЕФРОКТОМЕТРИ КЎРСАТКИЧЛАРИ СУҒОРИШ ТАРТИБИ, МИНЕРАЛ ЎҒИТ МЕЪЁРЛАРИ ВА 1 Ц ПАХТА ҲОСИЛИ УЧУН КЕТГАН СУВ САРФИ**

### **§.4.1. Ғўза навларининг мақбул суғориш олди тупроқ намлиги**

Ғўзанинг суғориш олди тупроқ намлиги дастурга асосланиб белгиланган суғориш олди намлик тартибига (ЧДНСга нисбатан) амал қилинди ва фарқи  $\pm 0,5-1,5\%$  дан ошмади.

Уч йиллик (2009-2011й) тадқиқотлар натижаларига кўра, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 65-65-60% бўлган вариантларда ғўза амал даврида 4-6 марта 1-2-1, 1-3-1, 1-3-2 тизимлар бўйича суғорилди. Суғоришдан олдин тупроқнинг намлик тартиби вариантларда 60,8-66,2% оралиғида ўзгариб турди. Намликнинг бу даражада паст бўлиши суғоришлар сони камлиги ва оралиғи узоклиги (17-27 кун) билан изоҳланади. Суғориш тартиби ЧДНСга нисбатан 70-70-60% бўлган вариантларда амал даврида 5-7 марта 1-3-1, 1-4-1, 1-4-2 тизимлар бўйича суғорилган.

Бу маълумотлар суғориш дастурида белгиланган суғориш олди тупроқ намлик тартибларига риоя қилинганидан далолат беради. ЧДНСга нисбатан намлик миқдори вариантлар бўйича режалаштирилган тартиб кўрсаткичларидан  $\pm 0,5-1,5\%$  атрофида бўлиб услубиятда белгиланган талаб бўйича йўл қўйиладиган оғишдан ошмаслиги таъминланди.

Тупроқ намлиги ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсир этувчи муҳим кўрсаткичлардан биридир. Намликни ўзгартириш билан ўсимликнинг илдизи ва ер устки қисмининг ривожланишини бошқариш мумкин бўлади. Тажриба ва кузатувларимизда суғориш муддати ва меъерини белгилаш учун тупроқ намлиги ҳисобий қатламларда яъни ўсимлик униб чиққандан гуллаш фаъзасигача ва пишиш даврида 0-70 см. ли қатламдан,

гуллаш-ҳосил тўплаш фаъзаси даврида эса 0-100 қатламдан аниқланди (4.1.1, 4.1.2, 4.1.3, 4.1.4, 4.1.5, 4.1.6-жадваллар).



**4.1.1-расм. Дала тажрибасидан суғориш олди тупроқ намуналарини олиб аниқлаш**

Суғориш олди тупроқ намлигини аниқлаш учун ҳар 10 (0-10, 10-20, 20-30, 30-40, 40-50, 50-60, 60-70, 70-80, 80-90, 90-100) см дан тупроқ намуналари олиниб (термостатда) қуритишдан аввал ва қуритилгач “ВЛТК-500” тарозисида тортилади ва кундуз соат 11.00 дан кечки 15.00 оралиғида ғўзанинг тепа қисмидан учинчи баргидан 3-10 тагача, ҳар бир қайтариқдан 10-15 жойдан барг олиниб махсус барг сиқғич билан баргнинг ширасини чиқариб қўл рефрактометрига қуйилиб унинг кўрсаткичлари аниқланиб ёзиб олинди ва суғориш олди тупроқ намлиги билан қиёсий таққослаб борилди ва белгиланган суғориш олди тупроқ намлиги тартибига ва қўл рефрактометри (ҲШК) маълум бир кўрсаткичларга келганда сув олинди

Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 65-65-60% бўлган вариантларда амал-ўсув даврида йилларнинг келишига қараб яъни 1-2(3)-1(2) тизимда 4-6 марта суғориш ўтказилди, суғориш олди тупроқ намлиги ўртача 59,8-66,4%, қўл рефрактометри (ҲШК) нинг кўрсаткичлари эса 8,6-12,9%

оралиғида ўзгариб турди. Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-70-60% бўлган вариантларда амал-ўсув даврида 5-7 маротаба яни 1-3(4)-1(2) тизимда суғорилди, тупроқ намлиги ўртача 60,5-71,4%, қўл рефрактометри (ХШК) нинг кўрсаткичлари эса 8,5-12,9% оралиғида бўлди ва ниҳоят суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-75-60% бўлган вариантларда амал-ўсув даврида 6-8 маротаба суғорилди яъни 1-4(5)-1(2) тизимда сув берилди, суғориш олди тупроқ намлиги ўртача 59,4-76,4% қўл рефрактометри (ХШК) нинг кўрсаткичлари эса 8,5-12,9% ни ташкил қилди. Ушбу ғўза навлари экилган тажриба даласида сарф бўладиган сув миқдори кўпгина омилларга, жумладан, илдиз жойлашган қатламдаги намликнинг миқдorigа, сув сарфи эса суғоришлар сони тез-тез қайтарилишига ва давомийлигига, тупроқдаги нам захираси, йилнинг келишига, об-ҳаво шароити ва ўсимликларнинг озиқа моддалар (NPK) билан таъминланганлигига, парваришлаш агротадбирлари тизимининг муддатида ва сифатли ўтказилишига боғлиқлиги кузатилди.

#### 4.1.1- жадвал

##### “Андижон-36” навининг суғоришдан олдинги қўл рефрактометри кўрсаткичлари ва тупроқ намлиги, %. (2009 й)

Навлар	Суғориш тартиби, ЧДНС га нисбатан, %	Кўрсаткичлар	Суғоришлар сони					
			1	2	3	4	5	6
“Андижон-36”	65-65-60 (ХШК)	Тупроқнинг қуруқ вазнига нисбатан, %	14,5	14,5	14,6	13,3		
		ЧДНС га нисбатан, %	66,2	65,9	66,4	60,7		
		Барг-ХШК, %	9,6	11,0	11,9	12,7		
	70-70-60 (ХШК)	Тупроқнинг қуруқ вазнига нисбатан, %	15,5	15,7	15,7	15,6	13,4	
		ЧДНС га нисбатан, %	70,8	71,4	71,4	70,9	61,2	
		Барг-ХШК, %	8,6	10,5	10,6	10,0	12,9	
	70-75-60 (ХШК)	Тупроқнинг қуруқ вазнига нисбатан, %	15,6	16,6	16,8	16,7	16,5	13,1
		ЧДНС га нисбатан, %	71,2	75,4	76,4	75,9	75,0	59,8
		Барг-ХШК, %	9,1	10,2	10,5	10,8	10,7	12,9

4.1.2- жадвал

С-6541 навининг суғоришдан олдинги қўл рефрактометри  
кўрсаткичлари ва тупроқ намлиги, % (2009 й)

Навлар	Суғориш тартиби, ЧДНС га нисбатан, %	Кўрсаткичлар	Суғоришлар сони					
			1	2	3	4	5	6
“С-6541”	65-65-60 (ҲШК)	Тупроқнинг куруқ вазнига нисбатан, %	14,4	14,6	14,5	13,1		
		ЧДНС га нисбатан, %	65,7	66,4	65,9	59,8		
		Барг-ҲШК, %	9,5	11,1	10,0	12,8		
	70-70-60 (ҲШК)	Тупроқнинг куруқ вазнига нисбатан, %	15,6	15,6	15,7	15,7	13,3	
		ЧДНС га нисбатан, %	71,2	70,9	71,4	71,4	60,7	
		Барг-ҲШК, %	8,5	10,6	10,5	10,8	12,8	
	70-75-60 (ҲШК)	Тупроқнинг куруқ вазнига нисбатан, %	15,5	16,7	16,8	16,7	16,6	13,0
		ЧДНС га нисбатан, %	70,8	75,9	76,4	75,9	75,4	59,4
		Барг-ҲШК, %	9,0	10,1	10,4	10,9	10,8	12,0

4.1.3- жадвал

“Андижон-36” навининг суғоришдан олдинги қўл рефрактометри  
кўрсаткичлари ва тупроқ намлиги, %. (2010 й)

Навлар	Суғориш тартиби, ЧДНС га нисбатан, %	Кўрсаткичлар	Суғоришлар сони					
			1	2	3	4	5	6
“Андижон-36”	65-65-60 (ҲШК)	Тупроқнинг куруқ вазнига нисбатан, %	14,2	14,6	14,5	14,6	13,3	
		ЧДНС га нисбатан, %	65,1	66,4	65,9	66,4	61,0	
		Барг-ҲШК, %	9,8	11,2	11,3	11,5	12,7	
	70-70-60 (ҲШК)	Тупроқнинг куруқ вазнига нисбатан, %	15,2	15,5	15,4	15,6	15,5	13,2
		ЧДНС га нисбатан, %	69,7	70,4	70,0	70,9	70,4	60,5
		Барг-ҲШК, %	8,7	10,6	10,8	10,3	10,2	12,6
	70-75-60 (ҲШК)	Тупроқнинг куруқ вазнига нисбатан, %	15,2	16,5	16,4	16,5	16,7	13,4

		ЧДНС га нисбатан, %	69,7	75,0	74,5	75,0	75,9	61,5
		Барг-ҲШК, %	9,0	10,9	11,5	10,7	10,6	12,7

#### 4.1.4- жадвал

### С-6541 навининг суғоришдан олдинги қўл рефрактометри кўрсаткичлари ва тупроқ намлиги, %. (2010 й)

Навлар	Суғориш тартиби, ЧДНС га нисбатан, %	Кўрсаткичлар	Суғоришлар сони					
			1	2	3	4	5	6
С-6541	65-65-60 (ҲШК)	Тупроқнинг куруқ вазнига нисбатан, %	14,3	14,5	14,6	14,3	13,2	
		ЧДНС га нисбатан, %	65,6	65,9	66,4	65,0	60,5	
		Барг-ҲШК, %	9,9	11,3	11,2	11,4	12,6	
	70-70-60 (ҲШК)	Тупроқнинг куруқ вазнига нисбатан, %	15,4	15,6	15,2	15,7	15,6	12,9
		ЧДНС га нисбатан, %	70,6	70,9	69,1	71,4	70,9	59,2
		Барг-ҲШК, %	8,8	10,7	10,8	10,2	10,3	12,9
	70-75-60 (ҲШК)	Тупроқнинг куруқ вазнига нисбатан, %	15,1	16,4	16,6	16,5	16,7	13,4
		ЧДНС га нисбатан, %	69,3	74,5	75,4	75,0	75,9	61,5
		Барг-ҲШК, %	9,0	10,2	10,4	11,8	11,6	12,3

#### 4.1.5- жадвал

### “Андижон-36” навининг суғоришдан олдинги қўл рефрактометри кўрсаткичлари ва тупроқ намлиги, %. (2011 й)

Навлар	Суғориш тартиби, ЧДНС га нисбатан, %	Кўрсаткичлар	Суғоришлар сони							
			1	2	3	4	5	6	7	8
Андижон-36	65-65-60 (ҲШК)	Тупроқнинг куруқ вазнига нисбатан, %	13,8	14,5	14,3	14,2	13,3	13,2		
		ЧДНС га нисбатан, %	63,6	66,2	65,3	64,8	61,3	60,8		
		Барг-ҲШК, %	9,8	10,3	11,5	11,7	12,0	12,9		
	70-70-60 (ҲШК)	Тупроқнинг куруқ вазнига нисбатан, %	15,4	15,4	15,3	15,4	15,4	13,3	13,2	
		ЧДНС га нисбатан, %	71,0	70,3	69,9	70,3	70,3	61,3	60,8	
		Барг-ҲШК, %	8,6	10,7	10,9	10,4	10,1	12,7	12,8	
	70-75-60 (ҲШК)	Тупроқнинг куруқ вазнига нисбатан, %	15,5	16,6	16,5	16,5	16,4	16,4	13,4	13,3
		ЧДНС га нисбатан, %	70,1	75,8	75,3	75,3	74,9	74,9	61,7	61,3

		Барг-ҲШК, %	9,0	10,2	10,3	10,3	10,1	10,3	12,5	12,3
--	--	-------------	-----	------	------	------	------	------	------	------

#### 4.1.6- жадвал

### С-6541 навининг суғоришдан олдинги қўл рефрактометри кўрсаткичлари ва тупроқ намлиги, %. (2011 й)

Навлар	Суғориш тартиби, ЧДНС га нисбатан, %	Кўрсаткичлар	Суғоришлар сони							
			1	2	3	4	5	6	7	8
С-6541	65-65-60 (ҲШК)	Тупроқнинг куруқ вазнига нисбатан, %	13,9	14,5	14,4	14,2	13,3	13,2		
		ЧДНС га нисбатан, %	64,0	66,2	65,7	64,8	61,3	60,8		
		Барг-ҲШК, %	9,9	11,4	10,6	10,7	12,0	12,8		
	70-70-60 (ҲШК)	Тупроқнинг куруқ вазнига нисбатан, %	15,3	15,4	15,2	15,4	15,3	13,2	13,2	
		ЧДНС га нисбатан, %	70,5	70,3	69,4	70,3	69,9	60,8	60,8	
		Барг-ҲШК, %	8,6	10,8	11,0	10,5	10,2	12,8	12,9	
	70-75-60 (ҲШК)	Тупроқнинг куруқ вазнига нисбатан, %	15,5	16,7	16,6	16,5	16,5	16,3	13,2	13,3
		ЧДНС га нисбатан, %	71,4	76,2	75,8	75,3	75,3	74,4	60,8	61,3
		Барг-ҲШК, %	9,1	10,3	10,2	11,4	11,2	11,4	12,6	12,5

Илмий-тадқиқотлар натижаларидан куйидаги хулосага келиш мумкин. Суғориш олди тупроқ намлиги “Андижон-36” ғўза нави учун ЧДНСга нисбатан 65-65-60%, қўл рефрактометри (ҲШК) кўрсаткичлари эса гуллашгача 9,6-9,8%, гуллаш-ҳосил тўплаш даврида 10,0-11,9%, пишиш даврида 12,0-12,9% да, С-6541 ғўза нави учун ЧДНСга нисбатан 70-70-60%, қўл рефрактометри (ҲШК) кўрсаткичлари эса гуллашгача 8,5-8,8%, гуллаш ҳосил тўплаш даврида 10,1-10,9%, пишиш даврида эса 12,1-12,9% бўлганда



юқори ва сифатли ҳосил олишга эришилди. Ўрганилган иккала навлар учун ҳам  $N_{190}P_{133}K_{95}$  кг/га мақбул меъёр деб топилди. ЧДНСга нисбатан 70-75-60% бўлганда ғўза бошқа суғориш тартибидагига нисбатан бироз ўсиб кетди. Бу унинг ҳосили кеч етилишига олиб келди. Демак, суғориш олди тупроқ намлиги, суғориш тартиблари ва ўғит (NPK) меъёрлари ўрганилган ҳар бир ғўза навига учун турлича таъсир этади.

#### **§. 4.2. Ғўза навларини мақбул суғориш тартиблари**

Ғўзанинг ўсиши, ривожланиши, ҳосил тўплаши, ҳосил бўлган кўсақларининг очилиш муддати, пахта толаси ҳамда чигит сифати асосан суғоришни тизимли ўсимлик талабини инобатга олган ҳолда муддатлари, сони, давомийлиги, мавсумий суғориш меъёрлари билан белгиланади.

Ғўзанинг ривожланиш фазаларига кўра, суғориш муддатларини тўғри белгилаш ва ўз вақтида суғориш, ундан юқори ҳосил олиш гаровидир. Ғўза гуллаш фазасигача қанча эрта суғорилса, бўйи ўсиб, ён томонга шох ташлаб кетади. Ҳосил тугунчалари тупларининг юқори бўғинлари-шоҳларида пайдо бўлади. Бу кўсақнинг пишиб етилишини секинлаштириб, ҳосил йиғим-терими кечикишига сабаб бўлиши аниқланган.

Ғўза гуллаш давригача меъёрида суғорилиши унинг маромида ўсиши ва гуллаши, илдиз тизимининг яхши ривожланиб, юқори ҳосил тўплашига олиб келади. Ғўзани суғориш ишлари дастурда белгиланган, тартибларда суғориш олди тупроқ намлиги асосида олиб борилди.

Тупроқ намлиги белгиланган даражага етиши билан вариантлардаги ғўзага сув берилади. Шу тартибда иш тутилган тажриба вариантлари бўйича ғўзанинг амал давридаги суғориш муддатлари, сони, тизимлари, давомийлиги, ҳар бир суғориш ва мавсумий суғориш меъёрлари йиллар бўйича маълумотлар 4.2.1, 4.2.2, 4.2.3– жадвалларда келтирилган.



**4.2.1-расм. Дала тажрибасида, далага кираётган сув миқдорини аниқлаш**



**4.2.2-расм. Дала тажрибасида, даладан чиқиб кетаётган сув миқдорини аниқлаш**

Суғориш тартиблари бўйича суғориш олди тупроқ намлигини дастурда кўрсатилган меъёردа сақлаш суғориш, меъёри ва мавсумий суғориш миқдорини турлича бўлишга олиб келди. Суғориш тартиблари ҳамда меъёрларининг турлича бўлиши ўз навбатида ғўзанинг биологик хусусиятларига ва тезпишарлигига турлича таъсир кўрсатди. 2009 йил серёғин келиб чигит 19-майда экилди. Шу туфайли кам суғорилди. Чигит 23 апрелда экилган 2010 йилда, 2009 йилдагига нисбатан ғўза бир ой эрта ривожланди ва бир марта кўп сув берилди, 2011 йилда эса ёз жуда иссиқ келганлиги сабабли, 2010 йилдагига нисбатан бир марта ғўза кўп суғорилди. “Андижон-36” ғўза нави (65-65-60%) 1-2-1, 1-3-1, 1-3-2 тизимларга бўйича 4-6 марта суғорилди. Бир суғоришда 810-1180 м<sup>3</sup>/га, мавсум давомида 4450-5890 м<sup>3</sup>/га сув берилди, суғориш давомийлиги 22-35 соатни, суғориш оралиғи 17-27 кунни ташкил этди. С-6541 ғўза нави (70-70-60%) 1-3-1, 1-4-1, 1-4-2 тизимлар бўйича 5-7 марта суғорилди. Ҳар бир суғоришда 680-990 м<sup>3</sup>/га, мавсум давомида 4730-5990 м<sup>3</sup>/га миқдорда сув берилди, суғориш давомийлиги 20-33 соатни, суғориш оралиғи 13-27 кунни ташкил этди. Суғоришнинг мақбул муддат ва меъёрлари уч йил давомида мақбул таъминланган вариантлардан юқори ва сифатли пахта ҳосили олинди.

## 4.2.1-жадвал

## Вўза навларининг суғориш муддатлари, сони, давомийлиги ва меъёрлари, 2009й

Вар	Вўза навлари	Суғориш тартиби, ЧДНСга нисбатан, %	Кўрсаткичлар	Суғориш сони ва меъёри, м <sup>3</sup> /га						Суғориш тизими	Мавсумий суғориш меъёри, м <sup>3</sup> /га
				1	2	3	4	5	6		
1	С-6524 (назорат)	70-70-60 (ХШК)	Суғориш санаси	21-22.06	9-10.07	22-23.07	7-8.07	4-5.09		1-3-1	4730
2	Андижон-36	65-65-60 (ХШК)	Суғориш санаси	24-25.06	14-15.07	3-4.08	1-2.09			1-2-1	4450
3	Андижон-36		Суғориш меъёри, м <sup>3</sup> /га	1090	1160	1180	1020				
4	С-6541		Суғориш вақти, соат/мин.	10 <sup>00</sup> -8 <sup>00</sup>	8 <sup>00</sup> -17 <sup>00</sup>	8 <sup>00</sup> -18 <sup>00</sup>	9 <sup>00</sup> -15 <sup>00</sup>				
5	С-6541		Суғориш давомийлиги, соат/мин	22 <sup>00</sup>	31 <sup>00</sup>	34 <sup>00</sup>	30 <sup>00</sup>				
			Суғоришлар ораси, кун		20	19	27				
6	Андижон-36	70-70-60 (ХШК)	Суғориш санаси	21-22.06	9-10.07	22-23.07	7-8.07	4-5.09		1-3-1	4730
7	Андижон-36		Суғориш меъёри, м <sup>3</sup> /га	960	950	990	940	890			
8	С-6541		Суғориш вақти, соат/мин.	11 <sup>00</sup> -7 <sup>00</sup>	10 <sup>00</sup> -13 <sup>00</sup>	8 <sup>00</sup> -15 <sup>00</sup>	9 <sup>00</sup> -15 <sup>00</sup>	10 <sup>00</sup> -17 <sup>00</sup>			
9	С-6541		Суғориш давомийлиги, соат/мин	20 <sup>00</sup>	27 <sup>00</sup>	31 <sup>00</sup>	30 <sup>00</sup>	31 <sup>00</sup>			
			Суғоришлар ораси, кун		18	13	15	27			
10	Андижон-36	70-75-60 (ХШК)	Суғориш санаси	20-21.06	6-7.07	18-19.07	1-2.08	14-15.08	9-10.09	1-4-1	4950
11	Андижон-36		Суғориш меъёри, м <sup>3</sup> /га	850	830	820	830	810	810		
12	С-6541		Суғориш вақти, соат/мин.	12 <sup>00</sup> -9 <sup>00</sup>	8 <sup>00</sup> -11 <sup>00</sup>	8 <sup>00</sup> -12 <sup>00</sup>	10 <sup>00</sup> -16 <sup>00</sup>	8 <sup>00</sup> -15 <sup>00</sup>	11 <sup>00</sup> -8 <sup>00</sup>		
13	С-6541		Суғориш давомийлиги, соат/мин	21 <sup>00</sup>	27 <sup>00</sup>	28 <sup>00</sup>	30 <sup>00</sup>	31 <sup>00</sup>	21 <sup>00</sup>		
			Суғоришлар ораси, кун		16	12	13	13	26		

## 4.2.2-жадвал


## Вўза навларининг суғориш муддатлари, сони, давомийлиги ва меъёрлари, 2010й

В	Вўза навлари	Суғориш тартиби, ЧДНСга нисбатан, %	Кўрсаткичлар	Суғориш сони ва меъёри, м <sup>3</sup> /га						Суғориш тизими	Мавсумий суғориш меъёри, м <sup>3</sup> /га
				1	2	3	4	5	6		
1	С-6524 (назорат)	70-70-60 (ХШК)	Суғориш санаси	27-28.05	14-15.06	5-6.07	24-25.07	15-16.08	11-12.09	1-4-1	5410
2	Андижон-36	65-65-60 (ХШК)	Суғориш санаси	1-2.06	23-24.06	16-17.07	8-9.08	2-3.09		1-3-1	5220
3	Андижон-36		Суғориш меъёри, м <sup>3</sup> /га	880	1140	1180	1160	860			
4	С-6541		Суғориш вақти, соат/мин.	10 <sup>00</sup> -9 <sup>00</sup>	9 <sup>00</sup> -17 <sup>00</sup>	8 <sup>00</sup> -19 <sup>00</sup>	9 <sup>00</sup> -17 <sup>00</sup>	12 <sup>00</sup> -10 <sup>00</sup>			
5	С-6541		Суғориш давомийлиги, ат/мин	23 <sup>00</sup>	32 <sup>00</sup>	35 <sup>00</sup>	32 <sup>00</sup>	22 <sup>00</sup>			
			Суғоришлар ораси, кун		21	22	22	24			
6	Андижон-36	70-70-60 (ХШК)	Суғориш санаси	27-28.05	14-15.06	5-6.07	24-25.07	15-16.08	11-12.09	1-4-1	5410
7	Андижон-36		Суғориш меъёри, м <sup>3</sup> /га	840	910	940	920	940	860		
8	С-6541		Суғориш вақти, соат/мин.	12 <sup>00</sup> -9 <sup>00</sup>	10 <sup>00</sup> -14 <sup>00</sup>	8 <sup>00</sup> -16 <sup>00</sup>	10 <sup>00</sup> -17 <sup>00</sup>	10 <sup>00</sup> -18 <sup>00</sup>	14 <sup>00</sup> -12 <sup>00</sup>		
9	С-6541		Суғориш давомийлиги, ат/мин	21 <sup>00</sup>	28 <sup>00</sup>	32 <sup>00</sup>	31 <sup>00</sup>	32 <sup>00</sup>	22 <sup>00</sup>		
			Суғоришлар ораси, кун		16	20	19	20	26		
10	Андижон-36	70-75-60 (ХШК)	Суғориш санаси	27-28.05	10-11.06	1-2.07	20-21.07	11-12.08	10-11.09	1-4-1	5160
11	Андижон-36		Суғориш меъёри, м <sup>3</sup> /га	840	890	880	860	880	810		
12	С-6541		Суғориш вақти, соат/мин.	12 <sup>00</sup> -9 <sup>00</sup>	8 <sup>00</sup> -12 <sup>00</sup>	8 <sup>00</sup> -14 <sup>00</sup>	10 <sup>00</sup> -14 <sup>00</sup>	8 <sup>00</sup> -15 <sup>00</sup>	12 <sup>00</sup> -10 <sup>00</sup>		
13	С-6541		Суғориш давомийлиги, ат/мин	21 <sup>00</sup>	28 <sup>00</sup>	30 <sup>00</sup>	30 <sup>00</sup>	31 <sup>00</sup>	22 <sup>00</sup>		
			Суғоришлар ораси, кун		13	19	18	20	28		

## 4.2.3-жадвал

## Вўза навларининг суғориш муддатлари, сони, давомийлиги ва меъёрлари, 2011й

В	Вўза навлари. Суғориш тартиби, ЧДНСга нисбатан, %	Кўрсаткичлар	Суғориш сони ва меъёри, м <sup>3</sup> /га								Суғориш тизими	Мавсумий суғориш меъёри, м <sup>3</sup> /га
			1	2	3	4	5	6	7	8		
1	С-6524 (назорат)	Суғориш санаси	25-26.05	13-14.06	29-30.06	14-15.07	30-31.07	23-24.08	17-18.09		1-4-2	5990
		Суғориш меъёри, м <sup>3</sup> /га	680	910	920	940	900	830	810			
	70-70-60	Суғориш вақти, соат/мин.	14 <sup>00</sup> -12 <sup>00</sup>	9 <sup>00</sup> -13 <sup>00</sup>	8 <sup>00</sup> -16 <sup>00</sup>	9 <sup>00</sup> -18 <sup>00</sup>	8 <sup>00</sup> -16 <sup>00</sup>	10 <sup>00</sup> -14 <sup>00</sup>	12 <sup>00</sup> -12 <sup>00</sup>			
	Суғориш давомийлиги, соат/мин	22 <sup>00</sup>	28 <sup>00</sup>	32 <sup>00</sup>	33 <sup>00</sup>	32 <sup>00</sup>	28 <sup>00</sup>	24 <sup>00</sup>				
	Суғоришлар ораси, кун		18	15	14	15	23	24				
2 3 4 5	Андижон-36 Андижон-36	Суғориш санаси	28-29.05	18-19.06	6-7.07	25-26.07	19-20.08	16-17.09			1-3-2	5890
		Суғориш меъёри, м <sup>3</sup> /га	810	1130	1110	1100	880	860				
	С-6541 С-6541 65-65-60	Суғориш вақти, соат/мин.	11 <sup>00</sup> -11 <sup>00</sup>	10 <sup>00</sup> -16 <sup>00</sup>	10 <sup>00</sup> -18 <sup>00</sup>	10 <sup>00</sup> -18 <sup>00</sup>	12 <sup>00</sup> -14 <sup>00</sup>	12 <sup>00</sup> -12 <sup>00</sup>				
		Суғориш давомийлиги, соат/мин	24 <sup>00</sup>	30 <sup>00</sup>	32 <sup>00</sup>	32 <sup>00</sup>	26 <sup>00</sup>	24 <sup>00</sup>				
		Суғоришлар ораси, кун		20	17	18	24	27				
6 7 8 9	Андижон-36 Андижон-36	Суғориш санаси	25-26.05	13-14.06	29-30.06	14-15.07	30-31.07	23-24.08	17-18.09		1-4-2	5990
		Суғориш меъёри, м <sup>3</sup> /га	680	910	920	940	900	830	810			
	С-6541 С-6541 70-70-60	Суғориш вақти, соат/мин.	14 <sup>00</sup> -12 <sup>00</sup>	9 <sup>00</sup> -13 <sup>00</sup>	8 <sup>00</sup> -16 <sup>00</sup>	9 <sup>00</sup> -18 <sup>00</sup>	8 <sup>00</sup> -16 <sup>00</sup>	10 <sup>00</sup> -14 <sup>00</sup>	12 <sup>00</sup> -12 <sup>00</sup>			
		Суғориш давомийлиги, соат/мин	22 <sup>00</sup>	28 <sup>00</sup>	32 <sup>00</sup>	33 <sup>00</sup>	32 <sup>00</sup>	28 <sup>00</sup>	24 <sup>00</sup>			
		Суғоришлар ораси, кун		18	15	14	15	23	24			
10 11 12 13	Андижон-36 Андижон-36	Суғориш санаси	25-26.05	11-12.06	26-27.06	10-11.07	24-25.07	8-9.08	28-29.08	19-20.09	1-5-2	6130
		Суғориш меъёри, м <sup>3</sup> /га	670	790	780	780	800	770	760	780		
	С-6541 С-6541 70-75-60	Суғориш вақти, соат/мин.	14 <sup>00</sup> -12 <sup>00</sup>	14 <sup>00</sup> -16 <sup>00</sup>	10 <sup>00</sup> -14 <sup>00</sup>	10 <sup>00</sup> -16 <sup>00</sup>	8 <sup>00</sup> -16 <sup>00</sup>	9 <sup>00</sup> -15 <sup>00</sup>	10 <sup>00</sup> -16 <sup>00</sup>	8 <sup>00</sup> -12 <sup>00</sup>		
		Суғориш давомийлиги, соат/мин	22 <sup>00</sup>	26 <sup>00</sup>	28 <sup>00</sup>	30 <sup>00</sup>	32 <sup>00</sup>	30 <sup>00</sup>	30 <sup>00</sup>	28 <sup>00</sup>		
		Суғоришлар ораси, кун		16	14	13	13	14	19	21		



**4.2.3-Расм. Ғўза навларининг мавсумий суғориш меъёрлари, м<sup>3</sup>/га**

### **§.4.3. Тажриба даласининг сув мувозанати**

Зироатларни суғориш тартиби экинларнинг ўсиши, ривожланиши ва тупроқнинг унумдорлигига таъсир кўрсатиб, ўсимликнинг тупроқдаги озик унсурларини ўзлаштиришида муҳим ўрин тутди. Шу билан биргаликда суғориш тартиблари суғориладиган даланинг сув мувозанатига ҳам таъсир қилади. Бундан ташқари даланинг сув мувозанати иқлим минтақалари, гидромодул районлари ва гидрогеологик шароитларига қараб ўзгариб туради.

Маълумки, тажриба даласининг сув мувозанати мавсум давомида бериладиган сув миқдорини кирим ва сарф қисмларидан ташкил топган. Кирим қисмига экинларни суғоришда ишлатиладиган сув, ер ости сувлари, ёғин сувлари ва бошқа далалардан оқиб келадиган сувлар киради. Сарф қисми эса транспирацияга, тупроққа сингишга, ер ости сувлари билан қўшилиб кетиши ва бошқа ҳудудларга оқиб кетишига сарф бўладиган сувлардан иборатдир. Биз сув сарфининг асосан кирим қисми тўғрисида маълумотларни келтирдик.

Бунга кўра, тажриба даласининг сув баланси тупроқнинг 0-300 см ли катлами учун ҳисобланди ва қуйидаги формула бўйича аниқланди:

$$E = N_H - W_K + O + M_O$$

Бу ерда:

$E$  – пахта даласининг жамлама сув сарфи, м<sup>3</sup>/га;

$N_H$  – 0-300 см тупроқ қатламида амал-ўсув даври бошида намлик захираси, м<sup>3</sup>/га;

$W_K$  – 0-300 см тупроқ қатламида амал-ўсув даври охиридаги намлик захираси, м<sup>3</sup>/га;

$O$  – амал-ўсув даврида ёққан ёгинлар йиғиндиси, м<sup>3</sup>/га;

$M_O$  – суғориш меъёри, м<sup>3</sup>/га.

4.3.1, 4.3.2, 4.3.3, 4.3.4, 4.3.5, 4.3.6-жадвалларда экин даласида ўрганилган вариантлар бўйича сув мувозанати кўрсаткичлари келтирилган.

Тажриба даласининг сув мувозанати ўрганилган ғўза навларида барча суғориш тартиблари қўлланилган вариантларда аниқланди.

Тажрибада ўрганилган “Андижон-36”, С-6541 ғўза навлари (2011 йил) суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 65-65-60% да 3-5 вариантларда мавсумий суғориш меъёри 5890 м<sup>3</sup>/га ни ва бу умумий сув сарфи эса 6486,5 м<sup>3</sup>/га бўлган ҳолда, 1 ц пахта ҳосили учун сарфланган мавсумий сув миқдори юқори ўғит меъёрлари қўлланилган вариантларда навлар бўйича тегишлича 140,6 м<sup>3</sup>/ц, 148,3 м<sup>3</sup>/ц ни ташкил қилди.

Ушбу суғориш тартибида ўрганилган навлар бўйича мавсумий сув миқдори энг кам сарфи “Андижон-36” навига энг кам 140,6 м<sup>3</sup>/ц га сарфланди. Бу кейинги суғориш тартибларидагига (ЧДНСга нисбатан 70-70-60, 70-75-60%) нисбатан 15,7-16,0 м<sup>3</sup>/ц га камроқ сув сарфланди.

Таъкидлаш жоизки, суғориш тартиби ортиб бориши билан вариантлар бўйича 1 ц пахта ҳосилига сарфланган сув миқдори ҳам ортиб борди.

Бу ўрганилган кейинги 70-70-60% ва 70-75-60% суғориш тартибларида қайд этилди.



## 4.3.1-жадвал

Тажриба даласининг сув-мувазанати ва ғўзанинг сув истеъмоли, 2009 й  
(биринчи ўғит меъёри)

№	Вариантлар	2,4		6,8		10,12	
1	Суғориш тартиблари ЧДНС дан	65-65-60%		70-70-60%		70-75-60	
2	Амал-ўсув даври бошида намлик захираси, м <sup>3</sup> /га	3136	3136	3136	3136	3136	3136
3	Амал-ўсув даври охирида намлик захираси, м <sup>3</sup> /га	2854	2854	2895	2895	2915	2915
4	Тупрокдаги нам захирасидан фойдаланиш, м <sup>3</sup> /га	282	282	241	241	221	221
5	Тупрокдаги нам захирасининг умумий сув сарфидаги улуши, %	5,2	5,2	4,5	4,5	3,8	3,8
6	Атмосфера ёғинлари, м <sup>3</sup> /га	1013,0	1013,0	1013,0	1013,0	1013,0	1013,0
7	Умумий сув сарфида ёғингарчилик улуши, %	17,6	17,6	17,8	17,8	16,4	16,4
8	Мавсумий суғориш меъёри, м <sup>3</sup> /га	4450,0	4450,0	4430,0	4430,0	4950,0	4950,0
9	Умумий сув сарфида суғоришнинг улуши, %	77,5	77,5	77,9	77,9	80,0	80,0
10	Сувнинг умумий сарфи, м <sup>3</sup> /га	5745,0	5745,0	5684,0	5684,0	6184,0	6184,0
11	Пахта ҳосили, ц/га	22,1	23,3	25,5	26,7	23,4	23,1
12	1 ц пахтага сарфланган умумий сув миқдори, м <sup>3</sup> /ц	260,0	246,6	222,9	212,9	264,2	267,7
13	1 ц пахтага сарфланган мавсумий сув миқдори, м <sup>3</sup> /ц	201,3	191,0	173,7	165,9	212,4	214,3

## 4.3.2-жадвал

Тажриба даласининг сув-мувазанати ва ғўзанинг сув истеъмоли, 2009 й  
(иккинчи ўғит меъёри)

№	Вариантлар	3, 5		7, 9		11, 13	
1	Суғориш тартиблари ЧДНС дан	65-65-60%		70-70-60%		70-75-60	
2	Амал-ўсув даври бошида намлик захираси, м <sup>3</sup> /га	3136	3136	3136	3136	3136	3136
3	Амал-ўсув даври охирида намлик захираси, м <sup>3</sup> /га	2854	2854	2895	2895	2915	2915
4	Тупрокдаги нам захирасидан фойдаланиш, м <sup>3</sup> /га	282	282	241	241	221	221
5	Тупрокдаги нам захирасининг умумий сув сарфидаги улуши, %	5,2	5,2	4,5	4,5	3,8	3,8
6	Атмосфера ёғинлари, м <sup>3</sup> /га	1013,0	1013,0	1013,0	1013,0	1013,0	1013,0
7	Умумий сув сарфида ёғингарчилик улуши, %	17,6	17,6	17,8	17,8	16,4	16,4
8	Мавсумий суғориш меъёри, м <sup>3</sup> /га	4450,0	4450,0	4430,0	4430,0	4950,0	4950,0
9	Умумий сув сарфида суғоришнинг улуши, %	77,5	77,5	77,9	77,9	80,0	80,0
10	Сувнинг умумий сарфи, м <sup>3</sup> /га	5745,0	5745,0	5684,0	5684,0	6184,0	6184,0
11	Пахта ҳосили, ц/га	31,7	25,5	29,5	29,0	27,3	27,0
12	1 ц пахтага сарфланган умумий сув миқдори, м <sup>3</sup> /ц	181,2	225,2	192,6	196,2	226,5	229,0
13	1 ц пахтага сарфланган мавсумий сув миқдори, м <sup>3</sup> /ц	140,3	174,5	150,1	152,7	181,3	183,3

## 4.3.3-жадвал

Тажриба даласининг сув-мувазанати ва ғўзанинг сув истеъмоли, 2010 й  
(биринчи ўғит меъёри)

№	Вариантлар	2,4		6,8		10,12	
1	Суғориш тартиблари ЧДНС дан	65-65-60%		70-70-60%		70-75-60	
2	Амал-ўсув даври бошида намлик захираси, м <sup>3</sup> /га	3136	3136	3136	3136	3136	3136
3	Амал-ўсув даври охирида намлик захираси, м <sup>3</sup> /га	2854	2854	2895	2895	2915	2915
4	Тупроқдаги нам захирасидан фойдаланиш, м <sup>3</sup> /га	282	282	241	241	221	221
5	Тупроқдаги нам захирасининг умумий сув сарфидаги улуши, %	4,1	4,1	3,4	3,4	3,3	3,3
6	Атмосфера ёғинлари, м <sup>3</sup> /га	1287,0	1287,0	1287,0	1287,0	1287,0	1287,0
7	Умумий сув сарфида ёғингарчилик улуши, %	19,0	19,0	18,6	18,6	19,3	19,3
8	Мавсумий суғориш меъёри, м <sup>3</sup> /га	5220,0	5220,0	5410,0	5410,0	5160,0	5160,0
9	Умумий сув сарфида суғоришнинг улуши, %	76,9	76,9	78,0	78,0	77,4	77,4
10	Сувнинг умумий сарфи, м <sup>3</sup> /га	6789,0	6789,0	6938,0	6938,0	6668,0	6668,0
11	Пахта ҳосили, ц/га	23,8	28,8	24,5	25,9	25,0	26,2
12	1 ц пахтага сарфланган умумий сув миқдори, м <sup>3</sup> /ц	285,2	235,7	283,2	267,9	266,7	254,5
13	1 ц пахтага сарфланган мавсумий сув миқдори, м <sup>3</sup> /ц	219,3	181,3	220,8	208,9	206,4	196,9

## 4.3.4-жадвал

Тажриба даласининг сув-мувазанати ва ғўзанинг сув истеъмоли, 2010 й  
(иккинчи ўғит меъёри)

№	Вариантлар	3, 5		7, 9		11, 13	
1	Суғориш тартиблари ЧДНС дан	65-65-60%		70-70-60%		70-75-60	
2	Амал-ўсув даври бошида намлик захираси, м <sup>3</sup> /га	3136	3136	3136	3136	3136	3136
3	Амал-ўсув даври охирида намлик захираси, м <sup>3</sup> /га	2854	2854	2895	2895	2915	2915
4	Тупроқдаги нам захирасидан фойдаланиш, м <sup>3</sup> /га	282	282	241	241	221	221
5	Тупроқдаги нам захирасининг умумий сув сарфидаги улуши, %	4,1	4,1	3,4	3,4	3,3	3,3
6	Атмосфера ёғинлари, м <sup>3</sup> /га	1287,0	1287,0	1287,0	1287,0	1287,0	1287,0
7	Умумий сув сарфида ёғингарчилик улуши, %	19,0	19,0	18,6	18,6	19,3	19,3
8	Мавсумий суғориш меъёри, м <sup>3</sup> /га	5220,0	5220,0	5410,0	5410,0	5160,0	5160,0
9	Умумий сув сарфида суғоришнинг улуши, %	76,9	76,9	78,0	78,0	77,4	77,4
10	Сувнинг умумий сарфи, м <sup>3</sup> /га	6789,0	6789,0	6938,0	6938,0	6668,0	6668,0
11	Пахта ҳосили, ц/га	32,3	32,6	32,8	32,7	29,1	33,3
12	1 ц пахтага сарфланган умумий сув миқдори, м <sup>3</sup> /ц	210,1	208,3	211,5	212,2	229,1	200,2
13	1 ц пахтага сарфланган мавсумий сув миқдори, м <sup>3</sup> /ц	161,6	160,1	164,9	165,4	177,3	155,0

## 4.3.5-жадвал

Тажриба даласининг сув-мувазанати ва ғўзанинг сув истеъмоли, 2011 й  
(биринчи ўғит меъёри)

№	Вариантлар	2,4		6,8		10,12	
1	Суғориш тартиблари ЧДНС дан	65-65-60%		70-70-60%		70-75-60	
2	Амал-ўсув даври бошида намлик захираси, м <sup>3</sup> /га	3136	3136	3136	3136	3136	3136
3	Амал-ўсув даври охирида намлик захираси, м <sup>3</sup> /га	2854	2854	2895	2895	2915	2915
4	Тупроқдаги нам захирасидан фойдаланиш, м <sup>3</sup> /га	282	282	241	241	221	221
5	Тупроқдаги нам захирасининг умумий сув сарфидаги улуши, %	4,4	4,4	3,7	3,7	3,3	3,3
6	Атмосфера ёғинлари, м <sup>3</sup> /га	314,5	314,5	314,5	314,5	314,5	314,5
7	Умумий сув сарфида ёғингарчилик улуши, %	4,8	4,8	4,8	4,8	4,7	4,7
8	Мавсумий суғориш меъёри, м <sup>3</sup> /га	5890,0	5890,0	5990,0	5990,0	6130,0	6130,0
9	Умумий сув сарфида суғоришнинг улуши, %	90,8	90,8	91,5	91,5	92,0	92,0
10	Сувнинг умумий сарфи, м <sup>3</sup> /га	6486,5	6486,5	6545,5	6545,5	6665,5	6665,5
11	Пахта ҳосили, ц/га	34,4	36,1	35,5	36,7	39,2	35,8
12	1 ц пахтага сарфланган умумий сув миқдори, м <sup>3</sup> /ц	188,5	179,7	184,4	178,4	170,0	186,2
13	1 ц пахтага сарфланган мавсумий сув миқдори, м <sup>3</sup> /ц	171,2	163,2	168,7	163,2	156,4	171,2

Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-70-60% да мавсумий суғориш меъёри 5990 м<sup>3</sup>/га ни, умумий сув сарфи 7-9 вариантларда 6545,5 м<sup>3</sup>/га ни ташкил этди. 1 ц пахта ҳосили учун сарфланган мавсумий сув миқдори навлар бўйича ушбу суғориш тартибида юқори ҳосил олинган вариантларда тегишлича 145,3 м<sup>3</sup>/ц, 142,3 м<sup>3</sup>/ц ни, умумий сув сарфида 158,8 м<sup>3</sup>/ц, 155,5 м<sup>3</sup>/ц ни ташкил қилди.

Ушбу суғориш тартибида 1 ц пахта ҳосили учун энг кам сув сарфи С-6541 навида қайд этилди. Бу ўғит меъёрлари N<sub>190</sub>, P<sub>133</sub>, K<sub>95</sub> қўлланилган (9) вариантда мавсумий сув миқдorigа нисбатан 142,3 м<sup>3</sup>/ц ни, умумий сув миқдори эса 155,5 м<sup>3</sup>/ц ни ташкил қилди.

Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-75-60% да мавсумий суғориш меъёри 6130 м<sup>3</sup>/га ни, умумий сув сарфи эса 6657 м<sup>3</sup>/га бўлган ҳолда, мақбул вариантларда яъни ғўза юқори ўғит меъёри қўлланилиб парваришланган вариантларда 1 ц пахта ҳосили учун сарфланган мавсумий сув миқдори навлар бўйича 11-13 вариантларда 139,0 м<sup>3</sup>/ц ва 154,0 м<sup>3</sup>/ц ни, умумий сув миқдори эса 151,0 м<sup>3</sup>/ц ва 167,4 м<sup>3</sup>/ц ни ташкил қилди. Суғориш тартибининг ортиши билан, барча вариантларда сув сарфи мутаносиб равишда ортиб борганлиги кузатилди. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, суғориш тартиби ва меъёрлари суғориладиган даланинг сув мувозанати ва ўсимликнинг сув сарфи ҳамда 1 ц. пахта ҳосили учун кетган сув сарфига сезиларли таъсир кўрсатиши ва бу бизнинг кузатишларимизда ҳам ўз исботини топди.

## 4.3.6-жадвал

## Тажриба даласининг сув-мувазанати ва ғўзанинг сув истеъмоли, 2011 йил

(иккинчи ўғит меъёри)

№	Вариантлар	3, 5		7, 9		11, 13	
1	Суғориш тартиблари ЧДНС дан	65-65-60%		70-70-60%		70-75-60	
2	Амал-ўсув даври бошида намлик захираси, м <sup>3</sup> /га	3136	3136	3136	3136	3136	3136
3	Амал-ўсув даври охирда намлик захираси, м <sup>3</sup> /га	2854	2854	2895	2895	2915	2915
4	Тупрокдаги нам захирасидан фойдаланиш, м <sup>3</sup> /га	282	282	241	241	221	221
5	Тупрокдаги нам захирасининг умумий сув сарфидаги улуши, %	4,4	4,4	3,7	3,7	3,3	3,3
6	Атмосфера ёғинлари, м <sup>3</sup> /га	314,5	314,5	314,5	314,5	314,5	314,5
7	Умумий сув сарфида ёғингарчилик улуши, %	4,8	4,8	4,8	4,8	4,7	4,7
8	Мавсумий суғориш меъёри, м <sup>3</sup> /га	5890,0	5890,0	5990,0	5990,0	6130,0	6130,0
9	Умумий сув сарфида суғоришнинг улуши, %	90,8	90,8	91,5	91,5	92,0	92,0
10	Сувнинг умумий сарфи, м <sup>3</sup> /га	6486,5	6486,5	6545,5	6545,5	6665,5	6665,5
11	Пахта ҳосили, ц/га	41,9	39,7	41,2	42,1	44,1	39,8
12	1 ц пахтага сарфланган умумий сув миқдори, м <sup>3</sup> /ц	154,8	164,2	158,8	155,5	151,1	167,4
13	1 ц пахтага сарфланган мавсумий сув миқдори, м <sup>3</sup> /ц	140,6	148,3	145,3	142,3	139,0	154,0

## **ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ АСОСИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ТАВСИЯЛАР:**

Тошкент вилоятининг ер ости сувлари сатҳи чуқур 18-20 метрдан пастда жойлашган суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида ўрта толали “Андижон-36”, “С-6541” ғўза навларини мақбул етиштириш агротехнологияларини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган изланишлар натижалари асосида қуйидагича тавсиялар қилинди:

